## УСТОЗЛАР ИБРАТИ—МАҲОРАТ МАКТАБИ

# КЕЛАЖАКНИНГ МАХСУС МУХБИРИ

«Бу йил машинада терилган 530 минг тонна пахтанинг бир неча тоннаси юзсизларча қўшиб ёзилган. Агар 1 килограмм қўшиб ёзилган бўлса ҳам, бу нарса бизни ташвишга солиши керак». Бу огоҳлантириш Ўзбекистоннинг пахтачилик хўжалигидаги салбий ҳодисалар ҳаммага маълум бўлиб, қораланган пайтда, икки ёки уч йил аввал янграган эмас, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бу сўзларни йигирма йил муқаддам, республикада ғалабалар шарафига кетма-кет карнайлар чалиниб турган, мукофотлар ёмғирдек ёққан, ҳақиқат эса, ёзувчи ибораси билан айтганда, «ёлғонни таъзим билан табриклаб турган» бир пайтда ёзган эди. Унинг кўпгина ёзувлари, асарлари каби узоқ вақтгача ёруғ дунё юзини кўрмай келган бу сўзлари ҳам Ўзбекистонда бошланган Қаҳҳорхонликда янгради.

Кутубхоналарда, студентларнинг дарсхоналарида, адабий кечаларда, китобхонларнинг конференцияларида ёзувчининг дўстлари ва сафдошлари, ёш ёзувчи ва шоирлар сўзга чиқмоқдалар. Ўзбек совет ҳикоянавислигининг асосчиси бўлмиш Абдулла Қаҳҳор асарларидан парчалар ўқилмоқда, хотиралар айтиб берилмоқда.

— Шу ажойиб сўз устасининг шогирди бўлганим билан фахрланаман, — деди республика халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. — Аммо устоз бизга адабий маҳоратнигина ўргатиб қолмай, аввало софдил, виждонли бўлишни, ҳақиқат учун курашда муросасиз бўлишни ҳам ўргатган эди.

Узоқ йиллар мобайнида Абдулла Қаҳҳор номи пинҳона тақиқ ҳисобланган эди. Рашидовчилик даврида ёзувчи ноқулай шахсга айланган эди. Ҳозир биз баралла гапираётган социал иллатлар эндигина газак олаётган пайтларда у ўткир публицистик ва бадиий асарлар ёзиб, уларни фош қилган эди. У кўп нарсани олдиндан кўрган ва ҳис қила олган эди. Шунинг учун ҳам ўз қалами билан юлғичлар ва амалпарастларни, ичкиликбозлик ва дабдабали тўйларни, адабиётдаги нопокликни ҳажв қилган ва қишлоқдаги ўзбек аёлининг оғир аҳволи ҳақида куюниб ёзган эди. Мана шунинг учун у қаҳр-ғазабга учради. Унинг 1962 йилда ёзган «Тобутдан товуш» пьесаси меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшовчи, пора олувчи, диний сарқитларга маҳкам ёпишиб олган кишиларнинг қилмишларини очиб ташлайдиган биринчи пьеса бўлган эди. У Ҳамза номли театрда икки марта кўрсатилгандан кейин саҳнадан олиб ташланди. Бу ҳам етмагандек, муаллифга танқид ўтини сочиб, уни оммадан ажралиб қолган, кибр-ҳавога берилган, принципсизлик ботқоғига ботган деб айбладилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг олтмишинчи йиллар бошларида «Литературная газета»да эълон қилинган «Кўзга солинган чўп» мақоласи ҳам республиканинг ўша пайтдаги раҳбарларини бениҳоя ғазаблантирди. У маҳаллий маданият газетасида кўчириб босилгач, бунинг учун редакторга ҳайфсан эълон қилинди. Рашидовнинг кўрсатмаси билан авторнинг ўзи қувғинга учради. Шаҳар партия конференциясида ёзувчига қутуриб хуруж уюштирилди: уйдаги гапни кўчага олиб чиқишга қандай журъат этди, нега совет воқелигини бузиб кўрсатди, яхши одамларга туҳмат қилишга ким ҳуқуқ берди! — деган танбеҳлар берилди. Адибга ҳаддан кўп ёрлиқлар осилди. Тиз чўкмаган ёзувчини атайлаб таъқиб қилиш унинг вафотидан кейин ҳам тўхтамади. Абдулла Қаҳҳор асарларининг олти томлиги тиражи 10 минг нусха камайтирилди. Константин Симонов таржима қилган «Синчалак» повести асосида режиссёр Л. Файзиев яратган кинофильм лентаси ёқиб юборилди. Ўн беш йил мобайнида Абдулла Қаҳҳорнинг биронта асари босилмади. Ҳатто унинг гўрига қўйиладиган бюсти ёзувчининг қабрига эмас, балки қайсидир мактабнинг ҳовлисига ўрнатилди.

— Мана эндигина Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари яна халққа туҳфа қилинмоқда, — дейди ёзувчининг шогирдларидан бири адиб Эркин Аъзамов. — «Яхши асар ўтда ёнмайди», деган гап бор. Қайта қуриш, ошкоралик замонида биз Абдулла Қаҳҳор асарларининг чуқур маъносини айниқса ўткир ҳис эта бошладик. Ёзувчи аллақачон яратиб кетган асарлар худди шу бугун ёзилгандек, оҳори тўкилмагандек жаранглаб турибди.

Замон ҳамма нарсани ўз ўрнига қўймоқда. Кўчалар, мактаблар Абдулла Қаҳҳор номи билан аталмоқда. Яқинда бир гуруҳ ёзувчилар ва улар орасида Абдулла Қаҳҳорнинг беваси, ёзувчи уй-музейининг катта илмий ходимаси Кибриё Қаҳҳорова Қашқадарёдан қайтиб келдилар. Улар Юксалиш посёлкасида қурилган янги мактабнинг очилишида ҳозир бўлдилар, мактабга ажойиб сўз устасининг номи берилди. Абдулла Қаҳҳорнинг пьесалари яна саҳна юзини кўра бошлади. Янги ташкил этилган ва Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган сатира театрида «Тобутдан товуш» спектакли қўйилмоқда. «Қаҳҳор ҳақида хотиралар» китоби, ёзувчи асарларининг беш томлик тўплами ўзбек ва рус тилларида чиқарилди. Мана шуларнинг ҳаммаси ёзувчининг умри боқийлигидан, унинг доно асарлари халққа манзурлигидан, энди бу асарларга кенг йўл очиб қўйилганидан дарак беради.

Қаҳҳорхонлик кунларида Тошкент театр-рассомчилик санъати институтида адабий кеча, Ўзбекистон тарихи ва маданияти тарғиботи уйида «Абдулла Қаҳҳор ва ҳозирги замон» мавзуида кеча ўтказилади. Ёзувчи туғилган кун — 17 сентябрда Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейида ўтказиладиган Қаҳҳорхонлик республика адибларининг учрашувларини якунлайди.

Абдулла Қаҳҳор ён дафтарларидан бирида «Ёзувчи — келажакнинг махсус мухбири» деган сўзларни ўқиймиз. У порлоқ келажак йўлида Ватанга ҳалол хизмат қилишни ўз бурчи деб билган эди.

**Э. ТУХВАТУЛЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# ПОРЛОҚ УЧҚУНЛАР

## АДИБ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Абдулла Қаҳҳор биз бугун қайта қуриш деб атаётган жараёндаги ғояларнинг порлоқ нурлари, афсуски, алангага айланолмай қолган порлоқ учқунларини, жамият ва халқ қалбига кўп ўтмай алангаланажак зарядларни солиб кетишга улгурган адибдир. У бадиий сўзини Ўзбекистондагина эмас, балки умумиттифоқ миқёсида ҳам ижтимоий куч даражасига айлантирган улкан санъаткорлардан эди. Абдулла Қаҳҳорни бизнинг кунимизга келиб етилган шарт-шароитларнинг халқ тафаккурида пишиб боришини таъминлаган замонавий инқилобчилардан бири эди, дея оламиз. Шу маънода бу фазилатлар уни Октябрь инқилобини тайёрлашга фаол таъсир кўрсатган адиблар янглиғ, янги давр, янги шароит инқилобий жараёнларининг фаол ижодкори деб аташимизга тўла ҳуқуқ беради.

Маълумки, «Муҳаббат» қиссаси ёзувчининг энг сўнгги асарларидан бири эди. Бу асар мавзуи кишини чуқур ўйлашга мажбур этади: нима учун адиб умрининг сўнггида, охирги йирик асарларидан бирида бу масалага мурожаат этди. Санъаткорнинг оққуш қўшиғи муҳаббатга махтал бўлдимикин? Масалага фақат бу тарзда қараш ёзувчи мақсадини етарлича англамаслик бўлур эди, албатта. XXII съезддан кейинги деярли 25 йиллик ҳаётимиз умумлаштирилган партия XXVII съезди ҳужжатларида маънавият масаласи, маънавий-ахлоқий масалалар комплекси халқ ҳаётидаги иқтисодий вазифалар билан бир қаторда турувчи энг жиддий проблемалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди. «Муҳаббат» қиссасига бўлган эҳтиёжни бу мангу муаммога янгича жавоб бериш истаги, айниқса, даврнинг ана шу социал заказы ўз вақтида чуқур идрок этилиши тарзида тушунишимиз тўғрироқ бўлади. Маълумки, 70-йилларда Айтматов, Шукшин, Быков, Белов, Астафьев, Распутин, шунингдек, Евтушенко (масалан, «Ягодные места» романи) асарларида маънавий-ахлоқий проблемаларга алоҳида эътибор берила бошлаши бежиз эмас эди. А. Қаҳҳор бу масалани 60-йилларнинг ўрталарида асарининг марказига олиб чиқди. У маънавият масаласида-ку, тутқунлик ва турғунлик бўлар экан, умуман жамиятда олға силжиш қийин деган проблемани кўтарди. Кўп миллатли совет адабиётида бу илғор тенденцияни бошлаб берганлардан бири бўлди. Бу тенденциянинг турли қирралари ёзувчи «Муҳаббат» қиссасидан аввалги ҳикояларидаёқ тўлқинлантира бошлаган эди. Унинг «Нурли чўққилар» ҳикоясини эслайлик. Агар хотирангизда бўлса, бу ҳикоядаги опа-сингиллардан бири: ҳаётимиз фаровон, жамиятимиз гўзал, ишлар бундан ортиқ жойида бўлиши мумкин-ми, қабилидаги хаёллар оғушида бизни нурли чўққилар кутяпти, деганча, ҳавоий орзулар дунёсига ғарқ бўлиб юраверади. Биз бу ҳикояни ўқиб, ўша вақтда ва ҳатто кейинчалик ҳам бахт — бу, ҳавойиликда эмас, меҳнатда, жамият билан алоқадорликда экан, деб бирмунча тор талқин этиб келдик. Ҳолбуки ёзувчининг ўткир ижтимоий зеҳни ва бадиий умумлаштирувчи кучи ундан жиддийроқ ғояни илгари сурганлиги маълум бўлди. Нурли чўққиларга маҳлиё бўлавермаслик, оёғинг остидаги, пешонанг рўпарасидаги ҳамма ишлар жойида дейилаётган ҳодисаларга ва мустақил мушоҳада юритишдан маҳрум бўлиб бораётган қўғирчоқнамо ёшларга тийранроқ муносабатда бўлишга чақиради. Буни биз бугун энди янада равшанроқ ҳис этиб турибмиз. Кичкинагина ҳикоядаги бу ғоя кўпмиллатли совет адабиётининг ўз давридаги ва бугунги кундаги илғор ғояларидан биридир.

Биз бу ғояни намоён этишдаги ёзувчи маҳорати, характер яратиш санъати ўзига хос услуби устида тўхтаётганимиз йўқ. Ҳолбуки ушбу ҳикоядаги бу маҳорат ва санъат Вера Смирнованинг «Ўғри», «Майиз емаган хотин», «Анор» сингари ҳикоялар ҳақида гапириб «уларни жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторга қўйиш мумкин», дейилган фикрларидаги таъбирларга ҳам, Абдулла Қаҳҳордек ҳикоянавис умумсовет адабиётида кўп топилиши қийин, деган фикрларга ҳам тўла мос кела олади.

«Ўтмишдан эртаклар» қиссасида инқилобгача халқимиз бошидан ўтган қанчадан-қанча оғир, мудҳиш, лавҳалар акс эттирилди. Биргина Бабарнинг тақдири, Савринисонинг қисмати, Абдуллажоннинг ўз опаси бошидан ўтган мусибатлар тасвири бу йўналишдаги адиб маҳорати ҳақида конкрет тасаввур бера олади. Беш-ўнта фарзандининг гўзаллик чоғидаёқ доғини кўрган, ҳозирда эса оғироёқ бўлиб турган онани бир рус аёли қандайдир бир аппарат билан кўриб, ҳамма ишлар яхши, жойида, деб қўйганда, шўрлик она: бўлажак фарзандим энди омон-эсон бўлар экан, яшар экан, деб ўзида йўқ, хурсанд бўлади. Кейин билишса, шўрлик онани оддий фотоаппаратда суратга олишган экан, холос. Мана оддий кичик бир лавҳада инқилобдан аввалги оми бир ўзбек аёлининг характерини кўрсатиш, ҳолат яратиш санъати, айни вақтда, ҳаётни ортиқча нурли бўёққа бўямасдан, қора чапламасдан реалистик кўрсатиш маҳорати. Биз бир вақтлар драматург Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясини кўриб, унда яратилган кулгили ҳолатлардан, кулгили характерлардан, адибнинг фош этиш санъатидан қаҳ-қаҳ отиб кулган эдик. Ҳолбуки, бу кулгилар остида оддийгина комизм, шунчаки қаҳ-қаҳа, айрим юлғич шахсларни фош этишгина эмас, ниҳоятда жиддий фожиалар, жамиятимизнинг муайян маънодаги трагедиялари ётганини етарлича пайқаб олмадик. Лекин буни жамият эмас, эҳтимол, ўзларининг трагедиялари деб англаган ва шундай бўлиши мумкинлигидан чўчиган кимсалар, дарҳол асарнинг олдини олишга киришдилар, бунга муваффақ ҳам бўлдилар. Ҳолбуки, порахўрлик, халқни, давлатни алдаш, қаллоблик йўқолиш ўрнига, йилдан-йилга илдиз отиб борарди. Буни кўрган драматург учун бу масалага махсус асар бағишлаб, унинг олдини олиш учун фақат санъаткорлик виждонигина эмас, давр, жамият, тарих социал заказ берган эди. Бу мудҳиш йўлнинг олдини олинмаслиги ҳатто жамиятни ҳалокатга маҳкум қилиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Асар фақат ўзбек адабиётигина эмас, кўпмиллатли совет адабиётининг ҳам ўз давридаги энг илғор асарларидан бири эди. У ижтимоий адолат ўрнатиш зарурлигини, ошкораликни бошлаш кераклигини бадиий асар тили орқали айтиб берган ва бу тенденцияни кўпмиллатли совет адабиётида 60-йилларнинг аввалидаёқ бошлаган дастлабки асарларидан бири эди. Драматург Гельман, режиссёр Товстоноговнинг 70-йиллар охири 80-йиллар бошидаги фаолиятига Абдулла Қаҳҳор тажрибалари қай даражада таъсир этган-этмагани ҳақида ҳозир конкрет бирор бир фикр айтиш қийин, (лекин ҳар қалай Ленинград шаҳрида Товстоногов «Шоҳи сўзана»ни саҳналаштирганини назардан қочирмайлик) бунинг учун аниқ фактлар, қўшимча изланишлар талаб қилинади. Лекин, бир нарса аниқ, Абдулла Қаҳҳор ижодини, шу жумладан, айниқса, сўнгги босқич асарларини умумиттифоқ фонида, Иттифоқ адабиётининг энг илғор асарлари билан муқоясада, типологик таҳлил асосида жиддий ўрганиш ишини бошлаб юбориш вақти келди. Бу вазифага, аввалambор, «Адабиёт тарихи» типидаги тадқиқотлар устида ишловчи ўзимизнинг институтимиз ходимлари, қолаверса, республикамиз олий ўқув юртларидаги мутахассислар, шунингдек аспирантлар, бошқа республикаларда СССР халқлари адабиёти масалалари билан шуғулланувчи ҳамкасбларимиз алоҳида эътибор бермоқлари керак.

Бу фикр Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» каби пьесалари учунгина эмас, машҳур проза намуналари, айниқса «Синчалак» каби асарлари учун ҳам хосдир. Атоқли совет ёзувчиси Гарегин Севунц: «Бизнинг халқларимизнинг буюк бахти-саодати ҳаққи Абдулла Қаҳҳордек бадиий сўз устаси яшаётганидан ва ижод этаётганидан хурсандман» деган оташин сўзларини эслайман. Яна бир бор эътибор беринг-а, Абдулла Қаҳҳордек санъаткорнинг борлиги совет халқларининг буюк бахти-саодатидир, дейилмоқда. Бу фикр айтилганига салкам 30 йил бўлди. Очиғини айтсак, бу даражадаги таҳсинлар ҳаммага ҳам инъом этилавермайди.

Беқиёс, ўзига хос талантнинг меҳнати асарлари даражасига мос бўлганлигини ҳозирги тарих ҳам кўрсатиб турибди.

Кўпмиллатли совет адабиётида инқилоб даври 20-30-йиллар, шунингдек уруш даврида ажойиб коммунистлар образи яратилганлигини яхши биламиз. Бунга Горький, Маяковский, Фурманов, Шолохов, Федин, Симонов асарларидан, ёзувчи, шоирлар — Ойбек, Авезов, Турсунзода, Кербобоевлар ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 50, 60, 70-йилларда ҳам совет адабиётида бу йўналишдаги кўпдан-кўп характерлар яратилди. Лекин бу йилларда партия ходими дейилганда, кўпроқ раҳбар, анчагина катта мансабдор шахслар қиёфасини ёритишга эътибор кучайиб кетди. Партия XXVII съезди оддий коммунистларга, ячейкалардаги коммунистларга раҳбарлик қилаётган, авангардлик кўрсатаётган партия ходимларига эътиборни, ғамхўрликни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Абдулла Қаҳҳорнинг санъаткор ва гражданин сифатидаги ўткир салоҳияти, шу куннинг заруратини ва келажак талабини олдиндан кўрсатиш маҳорати ана шу нарсада аён бўлди. «Синчалак»да Қаландаров сингари ишбилармон бўлишига қарамай, ўзбилармонлигини, манманликни қурол қилиб олган ва натижада қуйи партия ячейкасидаги раҳбарликни менсимай қўйган хўжалик раҳбарларининг нотўғри иш юритиш услубини бадиий жиҳатдан фош этишдан ташқари, унга қарши кескин кураша олувчи, курашиш зарур бўлган шу хўжаликнинг фаол партия ходими образини ярата олди. Саиданинг ўзига ҳам, умуман қиссанинг ўзига ҳам Константин Симонов ва Чингиз Айтматовдек жаҳонга машҳур адибларнинг юқори баҳо беришлари бежиз эмас.

Абдулла Қаҳҳорнинг Саидаси қуйи партия ташкилотлари раҳбарларининг образи фаол, жонли ва реалистик, фақат шу кунги ҳаётигина эмас, келажак нуқтаи назаридан ҳам талабчанлик билан ёритилган қаҳрамон сифатида ўз вақтида юксак баҳоланди, ва кўпмиллатли совет адабиётидаги янги тенденциялардан бири эканлиги таниқли ёзувчилар ва танқидчилар томонидан эътироф этилди.

Маълумки, социалистик реализмнинг ҳатто энг муҳим принциплари ҳам догма бўлмай, худди ҳаётнинг ўзи сингари ўсишда, ўзгаришда, бойиш ва ривожланишда, ижодий ҳаракатда бўлган система комплексидан иборатдир. Адибнинг деярли барча асарлари социалистик реализмнинг мана шу жонли қонуниятини ўзида тажассум этади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг ҳар бир асари социалистик реализмнинг ўзига хос, фақат шу асарлардагина намоён бўлувчи намуналаридир ва айни вақтда бу асарларнинг ҳеч қайси бири социалистик реализмнинг стандарт талаблари доирасидагина қолиб кетмайди. Қайси бир фазилатлари билан социалистик реализм методи имкониятларини янада бойитгандек бўлади. Шу туфайли бўлса керак унинг деярли ҳар бир катта асари кескин баҳсларга, баъзан эса, ҳатто айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Масалан, адибнинг 27 ёшида ёзилган «Сароб» романи ўзбек танқидчилиги, умуман социалистик реализм методи назарий ва амалий масалаларига доир турғун фикрларни бўғишга олиб келди. Асарнинг аҳамияти унинг материали ёки қаҳрамонларига қараб эмас, уларга бўлган санъаткор позицияси нуқтаи назаридан ҳам баҳоланажаги ҳақидаги муҳим тушунчанинг қарор топишига асос солди. Бу новаторлик ҳаётда ўзига осонлик билан йўл топмаганини барчамиз яхши биламиз. Бунинг учун ёзувчи бундан салкам 50 йил илгариёқ анчагина маломатларга қолди. «Сароб» фақат ўзбек адабиётигина эмас, умуман кўпмиллатли совет адабиётидаги психологик романнинг порлоқ намуналаридан биридир. Айрим тадқиқотчиларнинг кузатувига кўра, романнинг дастлабки вариантида бу маҳорат, бу кўркамлик янада аниқ кўринади. Ўйлаймизки, институтимиз коллективи томонидан нашрга тайёрланаётган Абдулла Қаҳҳор мукаммал асарларининг 15 жилдлигидан мутахассислар ҳам, кенг китобхонлар ҳам ёзувчи асарларининг вариантларини, унинг бадиий тафаккури оламидаги ўзига хосликларни кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Абдулла Қаҳҳор ижодидаги яна бир муҳим қиррага алоҳида аҳамият бериш ўринли. Булар унинг «Ҳуснбузар» типидаги халқ ижтимоий тафаккури тараққиётига фаол таъсир кўрсатувчи публицистикаси, жамият ҳаётидаги муҳим ва долзарб муаммолар радио ва телевидение ходимлари йиғилишидаги нутқлари ҳамда бадиий адабиёт ҳақидаги мақолалари, ён дафтардаги қайдлари ва эсселаридир. Буларнинг барчасини бир китоб ҳолида жамлаб, оммавий равишда алоҳида нашр этиш шу кунги адабиёт ва маданий ҳаётимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки уларнинг барчаси бизнинг бугунги шиддатли ҳаётимизга, янгича фикрлашларимизга камарбаста бўла олади.

Аслида ўтмишга, кечаги кунга салом эмас, хайр дейиш одат саналади. Лекин Абдулла Қаҳҳор сингари буюк санъаткорлар ижоди хайр эмас, ҳар куни салом билан мурожаат этиладиган асарлардир. Наинки ҳозир ҳатто олис келажак ҳам бу улкан санъаткорни меҳр ардоғига чорлаб турибди.

**Бахтиёр НАЗАРОВ.**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти директори.**

# Дунё овози

НЬЮ-ЙОРК:

## НОМЗОДЛАР МУНОЗАРАЛАРИ

**АҚШ президенти лавозимига кўрсатилган номзодлар — республикачи Жорж Буш билан демократ Майкл Дукакис ўртасида дастлабки мунозаралар 25 сентябрь куни Шимолий Каролина штатидаги Уинстон—Сейлем шаҳрида жойлашган Форест университети залида бўлади.**

Келишиб олинган сана тахминий тусдадир. Республикачилар билан демократлар ўртасида 13 ёки 14 октябрда ўтказиладиган иккинчи мунозара ҳақида ҳам дастлабки келишувга эришилди, мана шуниси охирги мунозара бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Дукакис Буш лагеридан тўртта мунозара ўтказишга розилик беришни талаб қилган эди. Ўтган ҳафта республикачиларнинг номзоди ўзининг демократ рақиби билан икки мартадан ортиқ учрашмаслигини айтди. Учрашувда АҚШ вице-президенти лавозимига номзодлар — Техас штатидан сайланган демократ—сенатор Ллойд Бентсен билан Индиана штатидан сайланган республикачи-сенатор Дэн Куэйл ўртасида мунозара ўтказиш тўғрисида ҳам дастлабки келишувга эришилди. Бу мунозара октябрнинг биринчи ўн кунлигида бўлади.

АФҒОНИСТОН:

## АРАЛАШУВ ҚОРАЛАНМОҚДА

Покистон халқаро ҳуқуқнинг барча нормаларини поймол этиб, Афғонистоннинг ички ишларига аралашувни кучайтирмоқда, деди Афғонистон Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили Бахтар агентлигининг мухбири билан суҳбатда. Покистон, бундан бир неча кун муқаддам Афғонистоннинг ҳарбий-ҳаво кучлари самолётлари гўё Покистоннинг ҳаво чегараларини бузганлиги тўғрисидаги уйдирмаларни тарқатганлиги муносабати билан Ташқи ишлар министрлигининг вакили ана шундай баёнот берди.

Исломобод маъмурияти жаҳон жамоатчилигини чалғитиш учун илгари ҳам шунга ўхшаш ташвиқотлар билан шуғулланган эди, деди Афғонистон Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили. Покистон томони Афғонистон тўғрисидаги Женева битимларини яна бузганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинаётганида Покистон раҳбарияти ҳамиша шу тахлитдаги найрангбозликка уннаб кетади. Женевадаги музокаралар чоғида ҳам Покистон музокараларни тўхтатиб қўйиш учун ёлғон-яшиқларни ишга солган эди.

Ҳозирги кунгача БМТнинг Кобулдаги миссиясига 75 та норозилик нотаси топширилди. Мазкур ноталарда Покистон Женева битимларини бузганлиги хусусида 439 та факт қайд этилган, деб таъкидланади баёнотда.

(ТАСС).

АФРИКА:

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОЛАРИ

**ХАРАРЕ. Зимбабве пойтахтида Африкадаги озиқ-овқат ва овқатланиш муаммоларига бағишланган учинчи конгресс тугади.** Африка қитъаси мамлакатларининг илм-фан, ҳукумат ва жамоат доираларидан вакил бўлиб келган делегатлари қитъада озиқ-овқат етишмаслиги ва шунинг оқибатида, айниқса, аёллар ва болаларнинг ёлчиб овқатланмасликдан тобора кўпроқ ҳалок бўлаётганлиги муаммоси кескинлашиб бораётганлигидан чуқур ташвиш билдирдилар. Улар вужудга келган аҳволнинг сабабларини очиб ташлаб, ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг адолатсизлигини, ғарб давлатлари, мамлакатлараро корпорациялар Африка давлатларининг табиий ресурсларини тинимсиз талон-торож қилаётганликларини уқтириб ўтдилар.

(ТАСС).

### ЖАНУБЛИКЛАРНИНГ СЎНГГИ ТАЯНЧИ

**Бразилияда Американа шаҳри бор. Мазкур шаҳар номи унинг аҳолиси ўтмиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Унга американиклар, аниқроғи Шимол билан Жануб ўртасида гражданлар уруши тугагандан кейин Бразилияга кўчиб келган жанубликлар асос солган. Америка аҳолисининг анчагина қисми қулдорлик штатлари ғояларига тарафдорлигини изҳор этмоқда, инглизча тилда сўзлашмоқда. Ҳар уч ойда улар конфедерация байроғини кўтариш учун тўпланишади. Жанубликларнинг ана шу авлодлари учун тарих 123 йил муқаддам тўхтаган.**

## • Обидалар—асрлар ва насллар мулки

# ТОШДАН ЯСАЛГАН ХАЗИНА

**Бухоро Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Қўриқхона сифатида чегараланган саксон фоиз майдоннинг деярли ярмини нодир меъморлик обидалари эгаллаб турибди. Шаҳар музейларида халқ амалий санъатининг чинакам бебаҳо дурдоналари сақланмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бундан ярим йил муқаддам Бухоро давлат меъморчилик бадиий музей-қўриқхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилганди. «Совет Ўзбекистони» мухбири Н. НАИМОВ музей-қўриқхона бош директори Р. АЛЬМЕЕВ билан мазкур қарорнинг бажарилиши қандай ташкил қилингани, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида суҳбатлашди.**

**— Роберт Валиевич, маълумки, бундан беш йил муқаддам республика ҳукумати область ўлкашунослик музейи базасида тарихий-меъморчилик қўриқхонаси ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Энди унинг республика аҳамиятига молик бадиий музей — қўриқхонасига айлантирилишига қандай зарурат бор?**

— Гап шундаки, Бухоро фақат тарихий меъморчилик эмас, балки халқ амалий санъатининг ҳам маконидир. Музейларимизда сақланаётган ажойиб шарқ матолари, заргарлик, мисгарлик, зардўзлик, патдўзлик, кулолчилик буюмлари, бадиий кўлёзмалар, нумизматика намуналари чинакам хазинадир. Шуни назарда тутиб республика ҳукумати СССР Маданият министрлигининг музей-қўриқхона категориясини ошириш ва уни республикага бўйсунадиган санъат масканига айлантириш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Коллективимизнинг кейинги йиллардаги самарали фаолияти туфайли мана шу хазинани халққа намойиш этиш учун кўпгина ишлар қилинди. Қўриқхонанинг таъмирлаб тугатилган обидалари биноларида «Бухоро мисгарлик санъати», «Бухоро мусаввирлари», «Нумизматика ва эпиграфика», «Миллий кийим-кечак», «Ёғоч ўймакорлиги» ва яна бир қатор экспозициялар очилди Санъат музейида «Октябрь йўли билан» тематик кўргазмаси ташкил этилди, Кўкалдош мадрасасидаги С. Айний музей-хужраси қайта тикланди. Айни маҳалда республиканинг мутасадди ташкилотлари ёрдамида Чашма-Аюб ёдгорлигида «Бухоронинг шифобахш сувлари» экспозициясини, Нодир Девонбеги хонақосида «Инсон, мавжудот, космос» кўргазмасини, давлат банкининг бўшаган биносида қадимий қўлёзмалар ва заргарлик буюмлари музейини ташкил қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Бироқ бу ишларнинг кўламини янада кенгайтириш учун музей-қўриқхона фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш лозим.

**— Шундай муаммоларга батафсил тўхталсангиз.**

— Дастлабки муаммо шаҳарда мавжуд юзлаб меъморлик, археологик ва монументал ёдгорликни таъмирлаш, қўриқхона территориясидаги барча қимматли иншоотларни қайта тиклаш ишлари сифати ва суръати масаласидир. Бу соҳадаги нуқсонлар шаҳар меҳнаткашларининг, кўп сонли совет ва чет эллик туристларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги ўн йилликларда шаҳар атрофидаги экинзорларда амалга оширилган ирригация тадбирлари мелиорация чоралари билан узвий олиб борилмагани зах сувлар даражасини кескин кўтарди. Бу сувлар нодир ёдгорликларнинг пойдеворига путур етказмоқда. Айни пайтда республика Маданият министрлиги Ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти қадимий шаҳарни барча замонавий ҳамда ёдгорликлар учун бехатар инженерлик коммуникациялари билан жиҳозланган комплекс лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Уни кейинги беш йилликда амалга оширишга киришишга умид боғламоқдамиз.

Аммо ўн иккинчи беш йилликнинг қолган давридаги ишлар суръати ташвиш туғдиради. Айрим мансабдор шахсларнинг санъат ва маданият ёдгорликларига эътиборсизлиги оқибатида бу ишларга ажратилаётган материал ресурслари кўпайиш ўрнига камаймоқда. Бухоро корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш ғишти ва ганчнинг сифати ниҳоятда паст. Яна минг йиллар туриши лозим бўлган обидаларни таъмирлаш учун ёғоч-тахтанинг иморатбоп бўлмаган турлари ажратилаётгани таажжуб туғдиради. Қўриқхонани таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи «Меъмор» бирлашмасининг маҳаллий устахонаси саноат базаси ғоят заиф. Уни кучайтириш, шу ернинг ўзида қадимий нусхадаги пишиқ ғиштлар, кулолчилик безаклари ишлаб чиқаришни кенг миқёсда йўлга қўйиш талаб қилинади. Умуман республикада маданият ва тарих ёдгорликларини таъмирлаш, муҳофаза қилиш, уларнинг ҳолатини доимий назорат остида сақлашнинг ягона давлат бошқарув системасини яратиш тўғрисида ўйлаш керак. Бу давр тақозоси.

Келгуси беш йилликда янги ўлкашунослик музейи қурилиши кўзда тутилган. Лекин бу Аркдаги музейимиз бўшаб қолади, деган гап эмас. Бу ерда меъморчилик, археология ва яна бир қанча соҳалар бўйича экспонатларни жойлаштиришни кўзда тутмоқдамиз. Арк каби нодир ёдгорликни газ ёқилғиси билан таъминлаш ўта хавфлидир. Мутасадди ташкилотлар эса электр энергияси лимити ажратиш тўғрисидаги илтимосномаларни рад этишмоқда. Бу ахир сансалорлик эмасми?

Яна бир муаммо музейлардаги бебаҳо бойликларни путур етказмай сақлашдир. Кейинги даврда янги экспозициялар учун бинолар ажратилиши билан бу масалани ҳам ижобий ҳал қилдик. Аммо очиғини айтиш керак, экспонатларимизнинг саксон проценти таъмирлашга муҳтож. Бунинг учун эса малакали таъмирловчи мутахассислар етишмайди. Бизнингча республика миқёсида марказлаштирилган хўжалик ҳисобидаги таъмирловчилар уюшмаси тузилса айни муддао бўлур эди.

**— Бундан бир неча ой муқаддам музей-қўриқхонадаги айрим нодир заргарлик буюмлари гўёки республика музейларига кўчириш баҳонаси билан ўзлаштирилгани тўғрисидаги гап-сўз юриб қолди. Шу тўғрими?**

— Мутлақо нотўғри. Мазкур мақола эълон қилингандан кейин СССР Халқ контроли комитети ва СССР Маданият министрлиги фактларни текшириш учун Москва Кремли музейларининг юқори малакали ходимларидан иборат текширувчилар группасини Бухорога юборди. Улар музей-қўриқхонада сақланаётган барча санъат бойликларини синчиклаб текширишди. Етарли кадрлар штатига эга бўлмагани учун барча моддий бойликларни саранжом сақлаш соҳасидаги нуқсонлар бизга кўрсатилди. Аммо қандайдир бесзаклар ходимларимиз ва республика Маданият министрлиги ходимлари томонидан талон-торож қилингани тўғрисидаги айбларнинг биронтаси ҳам тасдиқланмади.

Тўғри, 1926—1986 йиллар мобайнида музей фондларидаги минглаб буюмлар юқоридан кўрсатма билан мамлакатимиздаги турли музейлар, кутубхоналар, театрлар ва бошқа муассасалар ихтиёрига жўнатилган. Айни маҳалда меҳнаткашларнинг талабига кўра уларни Бухорога қайтариш тадбирлари кўрилмоқда. Фақат кейинги даврдагина 213 та шундай экспонат қайтариб олинди.

**— Янги йилдан бошлаб музей-қўриқхона республикада биринчи бўлиб эксперимент тарзида тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчади. Бу муҳим тадбирга тайёргарлик қандай бормоқда?**

— Кейинги уч йил ичида музей-қўриқхона меҳнаткашларга кўрсатаётган хизматдан олаётган даромад қарийб икки баравар ошди. Бу тўловли хизматларнинг янги турларини жорий этиш, янги экспозициялар ва музейлар очиш натижасидир. Муассасамизнинг биринчи категорияга кўчирилиши экспозицияларга кириш ҳаққини аҳолининг айрим категорияларига берилган имтиёзлардан ташқари оширишга имкон беради. Мазкур тадбирнинг хўжалик фаолиятимиздаги роли муҳимдир. Бироқ нашриётчилик фаолиятини жонлантириш, қадимий шаҳримиз тўғрисида янги откриткалар, буклетлар, китоблар чиқариш учун қоғоз фондига эга эмасмиз. Қолаверса, музейларни жиҳозлаш учун чет элларда ишлаб чиқарилган ускуналар керак.

Музей-қўриқхона ходимлари ўз қарамоқларидаги ёдгорликлар атрофида туристларни суратга олишга ҳам ҳуқуқлари йўқ. Бу ишни бажараётган «Фотопрокатразнобыт» ташкилоти шунинг ҳисобига катта даромад олмоқда. Аммо ундан бир тийин ҳам ёдгорликларни таъмирлаш ёки бошқа эҳтиёжларга сарфланмаяпти.

Экскурсия ходимлари меҳнатининг ишбай усулига кўчирилиши меҳмонларга кўрсатилаётган хизмат савиясига ижобий таъсир кўрсатди. Эндиликда ходимларимизни малака ошириш учун марказий шаҳар музейларига юбормоқдамиз. Мамлакатдаги кўп марказий музейлар билан доимий ижодий ҳамкорлик алоқаларимиз янада ривож топмоқда. Тўла хўжалик ҳисоби муваффақиятларни янада кучайтириш учун ҳал қилувчи омил бўлишига ишончимиз комил.

